

---

## ОИЛАВИЙ БОҒЧАЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Риштон тумани Булоқбоши МФЙ ҳудудида жойлашган "Шукрона" номли оилавий мактабгача таълим ташкилоти 50 ўринга кенгайтирилди. Тадбиркор Гулрух Мирсобирова томонидан ташкил этилган оилавий мактабгача таълим ташкилотига ҳудуддаги 50 нафар мактабгача таълим тизимига қамралмаган болалар қамраб олинди. 6 нафар фуқоролар доимий иш ўрни билан таъминланди. Оилавий мактабгача таълим ташкилотида болажонлар учун барча шароитлар яратилган. Ташкилотда балажонлар учун тажриба майдончаси сифатида иссиқхона яратилди. Яратилган шарт-шароитдан ота-оналар жуда хурсанд.

Шунингдек, бугун Хўжа Илғор МФЙ ҳудудида тадбиркор Равшаной Камолдинова томонидан 50 ўринга мўлжалланган оилавий мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Ташкилотнинг очилиш маросимида туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М. Бекмиразева, Хўжа Илғор МФЙдаги туман ҳокими ёрдамчиси Р. Камолов, туман МТБ мудирини М. Дадажонова, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этдилар. Шу кунга қадар мазкур маҳалла ҳудудида мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлмаган. Шу боис бу ерда яратилган шарт-шароитлардан ота-оналар жуда хурсанд.

2022-03-01 17:01:35